

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ БД – 5120100 – 3.09

2016 йил “08” 08



Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги

2016 йил “25” 08

ИККИНЧИ ЧЕТ ТИЛИ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100 000 – Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси:	110 000 – Педагогика 120 000 – Гуманитар фанлар
Таълим йўналиши:	5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) 5120200 – Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари) 5111400 – Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича)

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “25” августдаги “355”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “8” августдаги 3-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

### **Тузувчилар:**

- Хожиев С. - “Иккинчи чет тилини интенсив ўқитиш” кафедраси  
мудир, ф.ф.н., доцент;  
Абдуллаев М. - “Иккинчи чет тилини интенсив ўқитиш” кафедраси  
катта ўқитувчиси  
Эшонқулова Н. - “Иккинчи чет тилини интенсив ўқитиш” кафедраси  
ўқитувчиси

### **Такризчилар:**

- Назирова Ш.А. - ЎзМУ “Инглиз филологияси” кафедраси  
доценти, ф.ф.н.;  
Нишонов П.П. - ЎзДЖТУ “Француз тили назарияси ва амалиёти”  
кафедраси доценти, ф.ф.н.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2016 йил “8” июлдаги 11 - сонли баённома).

## **Фаннинг долзарблиги**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №4732-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2016 йил 2 февралдаги (№07/1-73, 05.02.2016й.) топшириғи ҳамда “Фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва спортни ривожлантириш бўйича устувор вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари” дастури ижросини таъминлаш ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг тегишли буйруқларига мувофиқ хорижий тажрибалар асосида такомиллаштирилган ўқув режалар асосида ишлаб чиқилди.

Мазкур дастур доирасида ғарб ва шарқ тиллари иккинчи чет тили сифатида ўқитилади. Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сон, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги “Чет тиллар бўйича таълимнинг барча босқичлари битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар” тўғрисидаги 124-сонли қарорларида белгиланган меъёрлар эътиборга олинган ҳолда такомиллаштирилди.

Иккинчи чет тилини ўқитишда тил эгаллашнинг халқаро эътироф этилган – CEFR (Common European Framework of Reference), HSK (Hanyu Shuiping Kaoshi - хитой тили бўйича тилни ўзлаштириш даражаси), TOPIK (Test of Proficiency In Korean), JLPT (Japanese Language Proficiency Test), TÖMER (Türkçe Öğretim Merkezi), Certificate of Egyptian Colloquial Arabic (ECA), Certificate of Modern Standard Arabic (MSA) каби ҳужжатларда кўзда тутилган меъёрларга алоҳида эътибор қаратилади. Курслар ва семестрлар кесимида ишчи ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва тил бўйича эгалланган билимларни назорат қилишда даражалар тавсифида берилган компетенциялар ўзлаштирилганлиги инобатга олинади. Мазкур меъёрларга мувофиқ ушбу дастур доирасида талабаларга ўрганилаётган иккинчи чет тилини B2 (мустақил мулоқот даражаси) даражада ўргатиш назарда тутилади. Бир нечта хорижий тилларда мулоқот қила оладиган мутахассисларни тайёрлаш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этаётганлиги ушба фаннинг долзарблигини белгилаб берувчи омиллардан биридир.

### **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги**

“Иккинчи чет тили” фани “Филология ва тилларни ўқитиш” таълим йўналиши ўқув режасининг умумқасбий, “Таржима назарияси ва амалиёти” таълим йўналишида ихтисослик фани ҳисобланади. Мазкур фан самарали ўзлаштирилиши учун талабанинг “Тил кўникмалари интеграцияси”, “Тил аспекти амалиёти”, “Ўқиш ва ёзиш амалиёти”, “Асосий ўрганилаётган тил”, “Тилшунослик”, “Мамлакатшунослик”, “Тили ўрганилаётган мамлакатлар адабиёти тарихи”, “Тиллар ўқитиш методикаси ва таълим технологиялари” каби фанлардан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлиши талаб этилади.

### **Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни**

“Иккинчи чет тили” фани бир нечта хорижий тилни мукамал ўзлаштирган малакали мутахассисларни тайёрлашда муҳим ўрин эгаллайди. Битирувчиларнинг ушбу фан доирасида эгаллаган билимлари уларнинг турли хорижий қўшма корхоналарда, аэропорт, божхона, радио, телевидение, хорижий давлатлар билан боғлиқ давлат ва нодавлат ташкилотларда фаолият кўрсатишларида, шунингдек турли таълим муассасаларида муассасаларида педагогик фаолият билан шуғулланишларида муҳим аҳамият касб этади.

## Фанни ўқитишдаги замонавий ахборот ва педагогик технологиялар ҳамда ўқув машғулотларини лойиҳалаш

Талабаларнинг ўрганилаётган иккинчи чет тили фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларида фойдаланиш, янги инфор­мацион-педагогик технологияларни татбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўқитишда шахсга йўналтирилган таълим методи ва чет тилини ўқитишга коммуникатив ёндашувдан максимал даражада фойдаланиш талаб этилади. Машғулотларда замонавий ахборот воситаларидан – интернет, хорижий радио ва телеканаллардаги манбалардан, шунингдек электрон ўқув адабиётлар ва маълумотлар банкидан мақсадли фойдаланиш катта самара беради

### Фан модулининг дастури (module syllabus) (Испан тили)

Намуна

<b>Ўқув курсининг тўлиқ номи:</b>	Иккинчи чет тили		
<b>Курснинг қисқача номи:</b>	ИЧТ	Код: ИЧТ	
<b>Кафедра:</b>	Иккинчи чет тилини интен­сив ўқитиш		
<b>Ўқитувчи ҳақида маълумот:</b>	Абдуллаев Маркс Камилжанович	E-mail. cazador@yandex.com	
<b>Семестр ва ўқув курсининг давомийлиги</b>	2- 8-семестр, 117 ҳафта		
<b>Ўқув соатлари ҳажми:</b>	<b>жами:соатлар</b>	790	
	шунингдан:		
	амалий	468	
	мустақил таълим	322	
<b>Ўқув курсининг статуси</b>	Умумқасбий фанлар блоки		
<b>Дастлабки тайёргарлик:</b>	Курс асосий ўрганилаётган тил аспекти­лари бўйича ўзлаштирилган билимларга асосланади.		
<p><b>Фаннинг предмети ва мазмуни:</b> – Иккинчи чет тилини ўқитишда барча тил кўникмалари - тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзиш ва гапириш талабаларга интеграллашган ҳолда ўқитилади. Курслар кесимида ишчи ўқув дастурларни ишлаб чиқиш ва талабалар билимини баҳолаш мезонларга асосланади.</p> <p><b>Фанни ўқитишдан мақсад</b> – ўрганилаётган иккинчи чет тилини коммуникатив, лингвистик, социолингвистик, дискурсив, стратегик, касбий, умуммаданий компетентликни интеграллашган ёндашув асосида ўқитишдан иборат. Компетентлик, коммуникатив ва интеграллашган ёндашувлар хорижий тилни фаол коммуникатив мулоқот воситаси сифатида касбий фаолиятда амалий қўллай олиш тамойилларига кўра белгиланади.</p> <p><b>Фанни вазифаси</b> - – талабаларни нутқ вазиятларини тўғри баҳолаган ҳолда улардан тўғри ва унумли фойдалана олишга ўргатиш, тилнинг фонетик, грамматик, лексик ва стилистик, типологик жиҳатдан тўлақонли нутқ кўникмаларини шакллантириш, шунингдек уларнинг ўрганилаётган иккинчи чет тилида равон ва аниқ сўзлашишларини ҳамда ҳозирги пайтда дунёда содир бўлаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий воқеликка ўрганилаётган чет тилида ўз муносабатларини билдира олишларини таъминлашдан иборат.</p> <p>“Иккинчи чет тили” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• чет тилини Умум Европа стандартларига кўра B2 даражада ўзлаштириши;</li> <li>• ўрганилаётган иккинчи чет тилида ўқиш, тинглаб тушуниш, гапириш ва ёзиш</li> </ul>			

**кўникмаларини эгаллаши;**

- грамматик ва лексик структураларни мулоқотда қўллаш, фарқлай олиш ва уларни **оғзаки ва ёзма нутқда тўғри ишлатиши;**
- касбий йўналиш ва ижтимоий-маданий мавзулардаги сўзларнинг маъносини **билиши ва тўғри қўллай олиши;**
- оғзаки нутқ ва ёзма матнларга хос хусусиятларни фарқлай олиши ва **мулоқотда тўғри қўллаши;**
- грамматика, лексика ва дискурс таҳлили бўйича тасаввур, билим, малака ва кўникмаларга, компетенцияларга эга бўлиши талаб этилади.

### Курснинг тематик таркиби ва мазмуни

Т/р	Мавзу	жами	Амалий машғулот	Мустақил иш
<b>2-семестр</b>				
1.	<i>Ispan tilida salomlashish va xayrlashish</i>		4	
	Ispaniyaning qisqacha tarixi Ispan tili alifbosi (unlilar va undoshlar) O'qish qoidalari			
2.	<i>Salomlashish va xayrlashishga oid imo-ishoralalar</i>		4	2
	Talaffuz xususiyatlari Diftong va triftonglar. Urg'u.			
3.	<i>Ispanlarning ism va familiyalari</i>		4	4
	Kishilik olmoshlari Ser ( <i>bor bolmoq</i> ), <i>estar</i> ( <i>joylashmoq</i> ), <i>querer</i> ( <i>hohlamoq</i> ), <i>tener</i> ( <i>ega bolmoq</i> ), <i>ir</i> ( <i>yurmoq</i> ) fe'llari			
4.	<i>Ispaniyada murojaat shakllari</i>		4	2
	Artikllar. So'roq olmoshlari. Kim? Nima? Qanday? Qayerda? Qayerga? Qachon?			
5.	<i>Oila a'zolari</i>		4	4
	Hozirgi zamonda to'g'ri fe'llarning tuslanishi Volver fe'li hamda en, a, de predloglari			
6.	<i>Ispaniya Qirolining oilasi</i>		4	2
	Otlarda rod kategoriyasi <i>Entender, ser, llamarse</i> fe'llari			
7.	<i>Ispan tilida so'zlashuvchi mamlakatlar</i>		4	4
	Decir fe'li Egalik olmoshlari <i>mi, tu, su</i> Jo'nalish kelishigidagi kishilik olmoshlari			
<b>Жорий назорат (ЖН)</b>				
8.	<i>Ispaniyada tug'ilgan kunni nishonlash</i>		4	4
	Saber, tener, cumplir fe'llari Ir a + infinitive konstruktsiyalari.			
9.	<i>O'zbekiston va Ispaniya bayrog'i</i>		4	2
	ranglar O'tgan masalalarni ko'rib chiqish			
10.	<i>O'zbekiston va Ispaniya qalqon</i>		4	4
	testos tahlil			
11.	<i>kasbla r</i>		4	4
	<i>Fe'llar, o'tirib, noto'g'ri bilaman</i> Salbiy murod <i>hech</i>			
12.	<i>tavsiflar</i>		4	

	<i>Fe'llar, borib eslayman + sifatdosh bo'ling</i> sifatlar			2
	<b>Жорий назорат (ЖН)</b>			
13.	<i>Ispaniyada Transport</i>			
	<i>Fe'llar istayman, kerak / qurilish + Infinitive afzal</i> transport turlari		4	
14.	<i>kundalik og'ir ish</i>			4
	<i>Estar+gerundio</i> vaqt		4	
15.	<i>Ispaniya milliy valyutasi</i>			2
	<i>Time (oy, hafta, yil)</i> <i>fe'ldan</i> So'roq olmoshlari nima? Nima?		4	
16.	<i>vaqt</i>			4
	<i>Yil fasllari</i> O'tgan mavzularni takrorlash		4	
17.	<i>tuyulmoq va yoqmoq fe'llari</i> <i>poco sifati va ravishi</i> <i>Senga qanday tuyulayapti savoli?</i>		4	2
18.	<i>gastronomiya</i>			4
	<i>Todo olmoshi Tener que+ infinitive konstruksiyasi</i>		4	
	<b>Оралик назорат (ОН)</b>			
19.	<i>Mening yozgi ta'tilim</i>			2
	<i>hizmat qilmoq, o'ynamoq, tug'ilmoq fe'llari</i> <i>yaxshi va yomon sifatleri</i>		4	
	<b>Якуний назорат (ЯН)</b>			
	<b>2-семестр бўйича жами</b>	<b>128</b>	<b>76</b>	<b>52</b>

### 3-семестр

1	<i>Ob-havo qanday?</i>			
	<i>Notog'ri fe'llar. Qiyosiy daraja.</i> <i>mente suffiksning yasalishi</i>		4	
2.	<i>ob-havo</i>			2
	<i>Ispaniya va O'zbekiston iqlimi</i> takrorlash		4	
3.	<i>o'rin-payt hol. U qayerda?</i>			4
	<i>Ranglar va qarindoshlik rishtalarini bildiruvchi so'zlarning</i> ishlatilishi		4	
4.	<i>O'ziga xos Ispaniya uylari qanday bo'ladi?</i>			2
	<i>qoshma predloglar, shaxssiz shakl hay</i>		4	
5.	<i>Oshxona jihozlari</i>			4
	<i>1-10 tartib sonlar</i> suffikslar		4	
6.	<i>Ispaniya oliy o'quv yurtlari universitetlari</i>			2
	<i>Noaniq artikllarning ishlatilishi</i> <i>O'tgan zamon sifatdosh / estar + sifatdosh formasi</i>		4	
7	<i>Barselona hayvonot bog'i</i>			4
	<i>noto'ri fe'llarni takrorlash</i> <i>Jo'nalish va tushum kelishigining Olmoshlari</i>		4	
	<b>Жорий назорат (ЖН)</b>			
8.	<i>Toshkent</i>			4
	<i>yaqin o'tgan zamon</i>		4	
9.	<i>Toshkent diqqatga sazovor joylari</i>			2
	<i>Sifat darajalari</i> <i>Aynan shu olmoshi</i>		4	

<b>10</b>	<i>inson tanasi</i>		4	4
	ot tasnifi			
<b>11</b>	<i>hech narsa, hech kim</i> hech biri inkor olmoshlari <i>hech qachon u ham emas</i> ravishlari		4	4
	<b>Оралик назорат (ОН)</b>			
<b>12.</b>	<i>Ispaniyada mehmonxonalar</i>			
	Kelasi zamon. fe'lli konstruksiyalar Fe'llar <b>qaytmoq kelmoq, qaytib kelmoq, yetib kelmoq</b>		4	2
<b>13</b>	Sifatlar va ko'rsatish olmoshlar Artikllaning ishlatilishi Fe'llar <b>qoymoq, ega bolmoq, xohlamoq fe'llari</b>		4	
<b>14</b>	<i>Magi bayrami</i>			
	<b>narsa, kimdir</b> noaniq olmoshlar <b>ko'proq va kamroq</b> ravishlarining sonlar bilan ishlatilishi		4	
<b>15</b>	<i>Ispaniya bayramlari</i>			4
	<b>Ha ta'kid va yoq</b> inkor yuklamalarining ishlatilishi <b>por va para</b> predloglari		4	
	<b>Жорий назорат (ЖН)</b>			2
<b>16</b>	<i>Tapas va madaniyat</i>			
	Sifatlar: <b>kop, kam</b> nechta sifatleri fe'l <b>bilmoq va tushunimoq</b>		4	4
<b>17</b>	<i>O'zbeklarning milliy urf odatlari</i>			
	predloglarning ishlatilishi Fe'llar, <b>soramoq, talab qilmoq, tanlamoq</b>		4	2
<b>18</b>	<i>milliy zargarlik</i>			4
	<b>que</b> soroq olmoshi va <b>que</b> bog'lovchisi so'roq va darak gaplarda so'zlarning tartib qoyidasi		4	
	<b>Оралик назорат (ОН)</b>			
<b>19</b>	<i>poyabzal bo'limida</i>			2
	aniqlik mayli zamonlari (takrorlash) <b>bajarmoq, qilmoq fe'li</b>		4	
	<b>Якуний назорат (ЯН)</b>			
	<b>3-семестр бўйича жами</b>	<b>128</b>	<b>76</b>	<b>52</b>

#### 4-семестр

<b>1.</b>	<i>Dam olish kuni</i>		4	
	Kishilik olmoshlarining ishlatilish turlari			
<b>2.</b>	<i>Hayvonlar</i>		4	4
	<i>juda, shuning uchun</i> ravishlari, estar fe'lining amalda qo'llanilishi			
<b>3.</b>	<i>kitob yarmarkasi</i>			
	<b>kochirma va ozlashtirma</b> gaplar			
<b>4.</b>	<i>Mamlakatlar va millatlar</i>		4	4
	<i>hamma</i> noaniq olmoshi			
<b>5.</b>	<i>O'zbekiston bayrog'i</i>		4	
	o'tgan zamon al-infinitiv qurilmasining ishlatilishi			
<b>6.</b>	<i>Katta maydon</i>		4	4
	Sifat va ravishlar <i>ko'p, bir oz, har ikki</i> a predlogini ishlatilishi			
<b>7.</b>	<i>ish kuni</i>		4	4

	De predlogini ishlatilishi			
8.	<i>vita o'quv rejas</i>		4	
	grammatika ko'rib chiqish			
9.	<i>Ispaniyada ishlash</i> Estar + gerund		4	4
	<i>gazetdagi e'lonlar</i>			
10.	preterite		4	
	<i>tarjimon bo'lib ishlash</i>			
11.	con predlogini ishlatilishi <i>olmoq</i> fe'li <i>Oldin va hozir</i>		4	4
12.	Soler + infinitivi Fe'llar <i>bermoq, band bo'lmoq, yonaltirmoq, aloqa qilmoq</i> <i>Ispan maktabi</i>		4	
	birinchi turdagi shartli gaplar		4	4
13.	<i>Madrid va Madridliklar</i>			
14.	Lo artikli Sifatni ravish ornida qo'llash		4	
	<i>Ispaniyada media</i>			
15.	Ravishning solishtirma darjasi <i>Mismo</i> olmoshi		4	4
	<i>o'zbek milliy tomlari</i>			
16.	presente, imperfect va posado simple zamonida noto'g'ri fe'llarning tuslanilishi		4	
	<b>Жорий назорат (ЖН)</b>			
	<i>Pensiyaga chiqish</i>			
17.	Sifatlarning solishtirma darajasi		4	4
	<i>Kun tartibi</i>			
18.	nisbiy Olmoshlar <i>boshqa</i> noaniq olmoshi		4	
	<b>Оралик назорат (ОН)</b>			
19.	<i>O'zbekistondagi bayramlar</i>		4	2
	har bir noaniq olmoshi			
	<b>Якуний назорат (ЯН)</b>			
	<b>4-семестр бўйича жами</b>	<b>128</b>	<b>76</b>	<b>52</b>
	<b>Умумий</b>	<b>256</b>	<b>152</b>	<b>104</b>

## 5- семестр

1	<i>teatrlar</i>		4	2
	7,8,9 darslarni grammatikasini korib chiqish.			
2.	<i>Bayramlar</i>		4	2
	Oddiy zamonning tuzilishi Hay-que+infinitive qurilmasi			
3.	<i>Rasmiy va norasmiy salomlashish</i>		4	2
	kochirma va ozlashtirma gaplar			
4.	<i>Ispaniyada ta'lim tizimi</i>		4	2
	shaxs olmoshlarining formasi			
	<b>Жорий назорат (ЖН)</b>			
5.	<i>Mening ona vatanim</i>		4	
6.	<i>Ispaniya yoshlari</i>		4	2
	Ko'rsatish olmoshlari tal, tales			
7.	<i>Ta'til</i>		4	
	O'tgan tugallangan zamon			



	<b>Оралик назорат (ОН)</b>			
8.	<i>viloyatlar 1-qism</i> 100-1000 bo'lgan tartib sonlar		4	2
9.	<i>viloyatlar 2-qismi</i> zamon ko'rsatkichlari		4	2
10.	<i>Dorixonada</i> 1-turdagi shartli gaplar		4	2
11.	<i>To'y marosimlari</i> Toydagi urf odatlarining ishlatilishi grammatika ko'rib chiqish		4	
	<b>Жорий назорат (ЖН)</b>			
12.	<i>Shoiralar</i> ijobiy imperativ		4	2
13.	<i>San'atkorlar</i> Fe'llar <i>qoplamoq, alishtirmoq, chalmoq, qoldirmoq, unutmog</i> Por predlogining ishlatilishi		4	2
	<i>Ispan toylarining urf odatlari</i>			
14.	<i>Yangi yil</i> Para predlogining ishlatilishi inkor imperativi		4	2
15.	<i>Nashriyot</i> Suffikslar		4	2
16.	<i>talabalar</i> Yurmoq fe'li andar fe'li bilan ishlatiluvchi iboralar		4	2
17.	<i>Bo'sh vaqt</i> Yechinmoq, kiyinmoq fe'llari Atoqli otlarda kalit so'zlar va ularning qo'llanilishi		4	2
18.	<i>giyohvand moddalar</i> <i>yolg'iz, faqat</i> omonimlari Zamonlar moslashuvi(takrorlash)		4	
	<b>Оралик назорат (ОН)</b>			
19.	<i>dunyo ayollari o'rtasidagi chekish illati</i> Noto'g'ri fe'llarning tuslanishini takrorlash Grammatik qoidalarni takrorlash		4	2
	<b>Якуний назорат (ЯН)</b>			
	<b>5-семестр бўйича жами</b>	<b>128</b>	<b>76</b>	<b>52</b>

## 6- семестр

T/p	Мавзу	Жами	Амалий машғулот	Мустақил иш
1.	<i>Odatiy Ispan nonushtasi</i> neytral artikl		4	
2.	<i>Ispaniyada Fast food</i> passiv ovoz		4	4
3.	<i>Ispaniyada restoranlar</i> Uzoq o'tgan zamon		4	4
4.	Zamonlarning moslashuvi		4	4
	<b>Жорий назорат (ЖН)</b>			
5.	<i>yomon odatlar</i> ijobiy imperativ		4	
6.	<i>Turmush o'rtog'I betob</i> imperativ salbiy		4	4
7.	<i>Ispaniya milliy liboslari</i>		4	

	pronominal fe'llar			
	<b>Оралиқ назорат (ОН)</b>			
8.	<i>Kiyim-kechak do'konida</i>		4	4
	shart mayli			
9.	<i>Ilohiy hafta bayrami</i>		4	
	mustaqil gaplarda shart mayli			
10.	<i>sayohat uchun tayyorgarlik</i>		4	4
	mustaqil gaplarda shart mayli			
	<b>Жорий назорат (ЖН)</b>			
11.	<i>O'zbekistonda bayram kunlari</i>		4	4
	artikllarning tushib qolish xolatlari			
12.	<i>Hayotimizdagi hayvonlarning o'rni</i>		4	4
	Xohish istak mayli			
13.	<i>Canaror ollari</i>		4	4
	uzoq o'tgan zamonda xohish istak maylining ishlatilishi qo'shma gaplarda xohish istak mayli			
14.	<i>Lotin Amerikasi</i>		4	4
	Leksik takrorlash: Dunyoning eng go'zal xah bir mamlakati			
15.	Ispan milliy raqslari		4	
	Passiv ovoz (takrorlash)			4
	<b>Жорий назорат (ЖН)</b>			
16.	<i>Ispaniyada ta'lim tizimi</i>		4	
	Ispaniya universitetlar (takrorlash)			
17.	ispanlar qanday boladi?		4	
	Noto'g'ri fe'llar			4
18.	<i>Diego de Silva y Velázquez</i>		4	
	Olmoshli fe'llar			
	<b>Оралиқ назорат (ОН)</b>			
19.	<i>o'zbek va rus tillarida Ispan maqollarining ekvivalentlari</i>			
	tartib raqamlari			4
	<b>Якуний назорат (ЯН)</b>			
	<b>6-семестр бўйича жами</b>	<b>128</b>	<b>76</b>	<b>52</b>

### 7- семестр

Т/р	Мавзу	Жами	Амалий машғулот	Мустақил иш
1	<i>Ulug'bek rasadxonasi</i>		4	4
	<i>davom ettirmoq, qurmoq fe'llari</i>			
2	<i>O'zbekistonda musiqa</i>		4	4
	sabab ravishga id quyi qoidalari			
3	<i>O'zbekiston Respublikasining bayrog'i</i>		4	
	<b>Жорий назорат (ЖН)</b>			
	ko'chirma va o'zlashtirma gap qoidalarini takrorlash			4
4	<i>O'zbekiston Respublikasi gerbi</i>		4	
	zamonlar moslashuvi			4
5	<i>mashhur hikmatlar</i>		4	
	<b>Оралиқ назорат (ОН)</b>			
	<i>Yordamchi fe'llar bo'lmoq ega bo'lmoq joylashgan bo'lmoq</i>			4
6	<i>O'zbekistonda chet tillari</i>		4	

	Broken raqamlari			
7	<i>Ispaniya diqqatga sazovor joylari</i>		4	4
	xohish istak maylining ergashgan qo'shma gaplarda ishlatilishi			
8	<i>Amir Temur- taniqli arbob</i>		4	4
	xohish istak mayli murakkab qo'shma gaplarda			
9	<i>Mirzo Ulug'bek - taniqli arbob</i>		4	
	xohish istak mayli mustaqil qo'shma gaplardagi o'rni			
10	<i>Markaziy Osiyoda O'zbekiston shaharlari</i>		4	4
	<b>Жорий назорат (ЖН)</b>			
	xohish istak maylida murakkab gaplar			
11	<i>ikki talabani o'rtasidagi suhbat</i>		4	
	Present Perfect istak mayli			
	<b>Якуний назорат (ЯН)</b>			
	<b>7-семестр бўйича жами</b>	<b>76</b>	<b>44</b>	<b>32</b>

### 8-семестр

1	<i>O'zbekiston shaharlari Buxoro</i>		4	2
	xohish istak maylida vaqt, joy, maqsad va talabni bildiruvchi gaplar			
2	<i>Yoshlar muammolari</i>		4	4
	II turi shart mayli			
3	<i>Dunyoda Ispan tilini o'rni</i>		4	2
	<b>Жорий назорат (ЖН)</b>			
	xohish istak maylida ifodali qo'shma gaplarning ishlatilishi			
4	<i>Prado muzeyi</i>		4	4
	estar+sifat fe'lli konstruksiyasi			
5	<i>jang san'ati</i>		4	2
	<i>Fe'llar: tanlash, Iltimos qilmoq</i>			
	<b>Оралик назорат (ОН)</b>			
6	<i>Flamenko va lo'lilar raqsi</i>		4	2
	Fe'llar: qo'ymoq, ega bo'lmoq, xohlamoq			
7	<i>Ispaniyaning mashhur qo'shiqlari</i>		4	4
	<i>Fe'llar: bormoq, bermoq, chiqmoq, qaytmoq</i>			
8	<i>gastronomik Jamiyat</i>		4	4
	<i>Fe'llar: tugatmoq, boshlamoq, bor bo'lmoq, joylashgan, bo'lmoq, bajarmoq, atalmoq</i>			
9	<i>mashhur hikmatlar</i>		4	2
	"ispan tili" she'ri O'tilgan mavzular bo'yicha mavzular			
	<b>Жорий назорат (ЖН)</b>			
10	<i>Cuzco. Machu-Pikchu</i>		4	2
	"Qo'shiqlar" she'ri O'tgan mavzularni takrorlash			
11	<i>Kompeodor sardori</i>		4	2
	O'tgan mavzularni takrorlash			
	<b>Якуний назорат (ЯН)</b>			

	<b>8-семестр бўйича жами</b>	<b>74</b>	<b>44</b>	<b>30</b>
<b>Таълим бериш ва ўқитиш услуби:</b>	Амалий машғулотлар, мустақил ишлар (айлана стол, кейс стади, мастер-класслар)			
<b>Мустақил ишлар:</b>	Ўқув лойиҳалар, гуруҳли тақдимот, рефератлар, кейслар, докладлар, кроссвордлар, постер, проспект, эссе ва х.з.			
<b>Маслаҳатлар ва топшириқ-ларни топшириш вақти</b>	Кунлар	Вақти	Ауд.	
<b>1.</b>				
<b>2.</b>				
<b>3.</b>				
<b>Билимларни баҳолаш усуллари, мезонлари ва тартиби:</b>				
<b>ЖН ва ОН нинг баллари ишчи дастурда бериледи</b>				
<b>Баҳолаш усуллари</b>	Тестлар, ёзма ишлар, оғзаки сўров, презентациялар ва х.з.			
<b>Фан бўйича талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш</b>	<b>Назорат шакллари</b>			
	Баҳолаш турлари фан хусусиятидан келиб чиққан ҳолда сўровлар, оғзаки савол-жавоб, ёзма иш, тест синовлари ёки бошқа кўринишда ўтказилиши мумкин.			
	<b>Фан бўйича талабалар билимини баҳолаш мезони</b>			
	<b>Балл</b>	<b>Баҳо</b>	<b>Талабаларнинг билим даражаси</b>	
	86-100	Аъло	Ўрганилган иккинчи чет тили ўтилган мавзуларнинг тугалланган қисми бўйича хулоса ва қарор қабул қилиш, ўрганган тилда ижодий фикрлар олса, олган билимларни амалда қўллай олса, моҳиятини тушунса мустақил мулоқот қилса, машғулотда ўрганган билимлар юзасидан тасаввурга эга бўлса	
71-85	Яхши	Ўрганилган иккинчи чет тили ўтилган мавзуларнинг тугалланган қисми бўйича ижодий фикрлар олса, олган билимларни амалда қўллай олса, моҳиятини тушуниб, мустақил мулоқот қилса, машғулотларда ўрганган билимлар юзасидан тасаввурга эга бўлса		
55-70	Қониқарли	Ўрганилган иккинчи чет тили ўтилган мавзуларнинг тугалланган қисми бўйича ижодий фикрлай олса, моҳиятини тушуниб, мустақил мулоқот қилса машғулотда ўрганган билимлар юзасидан тасаввурга эга бўлса		
0-54	Қониқарсиз	Ўрганилган иккинчи чет тили ўтилган мавзуларнинг тугалланган қисми бўйича машғулотларда ўрганган билимлар		

			юзасидан тасаввурга эга бўлмаса
<b>Фанга доир видео маърузалар, видео роликлар:</b>			
<b>Глоссарийлар:</b>			
<b>Ахборот ресурс база:</b>			

## АСОСИЙ ҚИСМ

### Фаннинг амалий машғулоти мазмуни

Иккинчи чет тилини ўқитишда барча тил кўникмалари - тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзиш ва гапириш талабаларга интеграллашган ҳолда ўқитилади. Курслар кесимида ишчи ўқув дастурларни ишлаб чиқиш ва талабалар билимини баҳолашда қуйидаги мезонларга амал қилинади:

#### Тинглаб тушуниш компетенцияси бўйича:

**A1 даража** – кишилар секин ва аниқ гаплашишганда талаба ўзи ва оиласи ҳақидаги сўз ва ибораларни тушуниши лозим.

**A2 даража** - ўзига таниш мавзуларга (масалан, содда баён қилинган оила, харид, маҳаллий ҳудудлар, касб, иш) оид кўп ишлатиладиган сўз ва ибораларни шунингдек, қисқа, аниқ, содда хабар ва эълонларнинг асосий мазмунини тушуна олиши керак.

**B1 даража** – ўзига таниш бўлган мавзулар бўйича (иш, таълим муассасаси, хордиқ ва б.) аниқ айтилган гапнинг асосий мазмунини англай олиши, бунда асосан матндаги муҳим сўзларга аҳамият қаратган ҳолда бутун гап мазмунини тушуниши назарда тутилади.

**B2 даража** - маърузалар ёки телевидение орқали бериладиган катта ҳажмдаги нутқни, таниш мавзулардаги қийинроқ нутқни тушуниши, ТВ ва радио орқали бериладиган янгиликларни тинглаб, томоша қилиш жараёнида муҳокама қилинаётган мавзуларнинг асосий ғоясини англаши, адабий тилда намойиш қилинадиган фильмлар мазмунини яхши тушуниши лозим.

#### Ўқиш компетенцияси бўйича:

**A1 даража** – ўқиш жараёнида содда гаплар (жой номлари) билан баён этилган сўз ва ибораларни тушуниши керак. (м.н., харид қилинган буюмларни қўллаш бўйича кўрсатмалар, белгилар, жадваллар ва ҳ.к.)

**A2 даража** – жуда қисқа, содда матнларни (қайдлар, эслатмалар, кўрсатмалар) ўқиб тушуна олиши, кундалик ҳаётга тааллуқли (эълон, реклама, меню) матнлардан ўзига керакли бўлган маълумотларни топа олиши, қисқа ва содда ёзилган шахсий хатларни ўқиб тушуниши кўзда тутилади.

**B1 даража** – кундалик турмуш ва ишга тааллуқли сўзлар асосида тузилган матнларни тушуниш талаба учун қийинчилик туғдирмаслиги, хатларда баён этилган воқеа-ҳодисалар, жойлар, ҳиссиётлар ва тилакларни тушуниши лозим.

**B2 даража** – долзарб мавзулардаги мақолаларни ўқиб тушуна олиши, замонавий насрий асарларни ўқиб мазмунини тушуниши лозим. Чунки талаба асарни ўқиётганида унинг сўзма-сўз таржимасига эмас, балки асосий ғоясига эътибор қаратиши назарда тутилади.

#### Ёзиш компетенцияси бўйича:

**A1 даража** – содда ва қисқа жумлаларни, масалан почта орқали жўнатиладиган хат (открытка) ларга ёзиладиган гапларни ёза олиши, шахсий маълумотлар (исм, фамилия, миллат ва манзили) киритилиши талаб этиладиган махсус бланкларни тўлдира олиши керак.

**A2 даража** - қисқа ва содда қайдларни ёза олиши, масалан, дўстига содда гаплар асосида хат ёза олиши лозим.

**B1 даража** – таниш ёки талабани қизиқтирган мавзуларда содда гаплар билан мазмунли

матнлар ёза олиши, гувоҳи бўлган воқеалар юзасидан олган таассуротлари ҳақида хат ёза олиши керак.

**В2 даража – талаба ўзини қизиқтирган мавзулар бўйича маълумотлар бера олиши ва улар юзасидан ўз фикрларини ёзма баён эта олиши, мавзу бўйича ўз қарашларини, салбий ёки ижобий жиҳатларни ёзма равишда аниқ ифода эта олиши лозим.**

#### **Гапириш (диалог, монолог) компетенцияси бўйича:**

**А1 даража (диалог) –** зарурат туғилганда содда саволлар бера олиши ва шундай саволларга жавоб қайтариши, суҳбатдоши талаба гапирган гапларни такрорлаганда/ тўғрилаганда талабага катта ёрдам бўлиши кўзда тутилади.

**Монолог -** яшаётган манзили ва таниш кишиларни содда гаплар билан таърифлай олиши, шунингдек, дўкон ва меҳмонхоналарда ишлатилиши мумкин бўлган гапларни гапира олиши лозим.

**А2 даража (диалог) –** кундалик ҳаётга тааллуқли мураккаб бўлмаган ва таниш мавзуларда мулоқотга кириша олиши, баъзида яхши тушуна олмасда мулоқотни давом эттириш учун ўзига ёққан ва ёқмаган нарсалар ҳақида гапира олиши, истакларини содда тилда баён эта олиши керак.

**Монолог -** оила, кундалик ҳаёт, турмуш тарзи, таълим олган муассасалари ва касбини таърифлаш учун сўз ва иборалар танлай олиши, улар ёрдамида гапира олиши лозим.

**В1 даража (диалог) – Талаба ўрганаётган иккинчи чет тилида худди она тилида гаплашгандек гаплаша оладиган кишилар билан кундалик мавзуларда суҳбат қура олиши, оила, хобби, касбий фаолият каби мавзулардаги суҳбатларга осонликча қўшила олиши ҳамда ўз фикр-мулоҳаза, ҳис-туйғу ва таассуротларини билдира олади.**

**Монолог - талаба** содда гаплар билан воқеа-ҳодисалар, орзу-истак ва ниятларини ифодалай олиши, бадиий асар ёки фильм сюжетларини гапириб, таассуротларини ифода эта олиши лозим.

**В2 даража (диалог) –** тил соҳиблари билан эркин мулоқот олиб бора олиши, таниш мавзулар муҳокамасида фаол иштирок этиши, шунингдек, тил соҳибларидан интервью олиш ва ўз навбатида уларнинг саволларига жавоб қайтара олади.

**Монолог - талаба ўзини қизиқтирган** мавзулар бўйича аниқ ва батафсил гаплар туза олиши, тегишли мавзуларга оид воқеа-ҳодиса, нарсаларни таърифлай олиши лозим.

### **Иккинчи чет тилини интеграллашган ҳолда ўқитишда жумладан:**

#### **Грамматикани ўқитишда**

- грамматикани ўқитиш (грамматика ва маъно; грамматика ва функция);
- грамматикани ўқитишга дедуктив ва индуктив ёндашув;
- грамматикани контекст орқали ўргатиш;
- лингвистик интуиция; тил ҳодисалари;
- грамматик луғатлардан фойдаланиш;
- грамматик вазифаларни таҳлил қилиш;
- грамматик машқ, топшириқ, вазифа, тестларни тузиш.

#### **Фонетикани ўқитишда**

- муваффақиятли мулоқот учун талаффузнинг муҳимлиги;
- урғуни (сўз урғуси, гап урғуси) ўргатиш;
- интонация, интонациянинг муносабатни билдириш ва грамматик функцияларини ўқитиш;
- товушларни изоляцияда ва контекстда ўқитиш фарқлари;
- фонологик вазифаларни таҳлил қилиш;
- фонетикага оид машқ, топшириқ, вазифа, тестларни тузишга ўргатиш мақсадга мувофиқ.

#### **Лексикани ўқитишда**

- сўз ва унинг пайдо бўлиши;
- лексикани контекстда ўқитиш;

- лексик бирликлар /иборалар/бирикмаларни ўқитиш;
- янги лексикани ўргатиш (рasm, реалия, кўшиқ, мультимедиа ва ҳ.к.дан фойдаланган ҳолда);
- педагогик мақсадларда интернет маълумотларидан фойдаланиш;
- талабаларнинг лексикани ўрганиш стратегияларини ривожлантириш;
- лексик вазифаларни баҳолаш;
- лексик вазифа, топшириқ ва тестлар тузиш.

### Тилни ўқитиш жараёнида

ижтимоий ҳаёт ва жамиятнинг турли соҳаларига оид долзарб мавзуларни камраб олиш кўзда тутилади. Барча тил кўникмаларини интеграллашган ҳолда ўқитишда қуйидаги мавзуларни ўрганиш, муҳокама ва таҳлил қилиш тавсия этилади:

- |  |  |
|--|--|
| ✓ Танишув.   | ✓ Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатнинг таълим тизими.   |
| ✓ Оила.  | ✓ Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатнинг географик жойлашуви, майдони ва аҳолиси.   |
| ✓ Турар жой.   | ✓ Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатнинг диққатга сазовор жойлари.  |
| ✓ Овқатланиш, миллий таомлар.                                  | ✓ Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатнинг ижтимоий- сиёсий ва маданий алоқалари.   |
| ✓ Соғлом турмуш тарзи.   | ✓ Даврнинг энг актуал муаммолари ва уларнинг ечими: глобаллашув ва интеграция; терроризм; одам савдоси; гиёҳвандлик ва унинг оқибатлари; ишсизлик; экология ва саломатлик. |
| ✓ Спорт.   | ✓ Халқаро ҳамкорлик: ижтимоий-сиёсий муносабатлар; маданий-маърифий муносабатлар; халқаро туризм ва уни ривожлантириш концепцияси  |
| ✓ Экология.  | ✓ .  |
| ✓ Иш ва дам олиш кунлари.                                      |  |
| ✓ Харид қилиш.   |  |
| ✓ Кийиниш маданияти.   |  |
| ✓ Урф-одатлар.   |  |
| ✓ Тил ўрганилаётган мамлакатлар маданияти                      |  |
| ✓ Менинг университетим   |  |
| ✓ Менинг касбим.   |  |
| ✓ Маданий ҳордиқ.  |  |
| ✓ Йил фасллари.  |  |
| ✓ Менинг қизиқишларим.   |  |
| ✓ Телефонда суҳбат.  |  |
| ✓ Саёҳат.  |  |
| ✓ Транспорт.   |  |
| ✓ Қашфиётлар.  |  |
| ✓ Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатнинг иқтисоди.      |  |
| ✓ Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатнинг давлат тизими. |  |

### Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларини ўтказишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади: амалий машғулотларининг мақсадини аниқ белгилаб олиш; ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш; талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш; талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш; амалий машғулотлари нафақат аниқ мавзу бўйича билимларни яқунлаш, балки талабаларни тарбиялаш манбаи ҳамдир. Мустақил ишларнинг натижалари мавзулар бўйича сўз ва сўз бирикмаларини ўзлаштириш, мазкур тил воситалари ёрдамида эркин сўзлашиш учун диалогик ва монологик матнлар тузиш шаклида расмийлаштириш мумкин.

### Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

## **Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар**

Фан бўйича курс иши намунавий ўқув режада режалаштирилмаган.

### **Мустақил таълимнинг ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Тилни ўрганиш жараёнида талаба интерфаол усуллар воситасида мустақил таълим олишга рағбатлантирилади ва мустақил фикрлаш талаб қилинади. Бунда ўқитувчи билим берувчи ва баҳоловчи сифатида эмас, балки фасилитатор (инглизча facilitate сўздан олинган бўлиб, бирор бир жараённинг боришига яхши таъсир этувчи ва унга мос шарт-шароитлар яратиб берувчи) сифатида намоён бўлади. Талабадан фан бўйича мустақил ўрганган билимларини аудиторияда турли хил интерактив услублар орқали намойиш қила олиши ва бошқаларга ўргата олиши талаб этилади.

Мустақил таълим қуйидаги шаклларда ташкил этилади:

1. Турли хил луғатлар, грамматик маълумотлар ёрдамида лексик ва синтактик бирликлар устида чуқур иш олиб бориши;
2. Тил ва маданият борасида турли хил ўхшашликлар ва тафовутларни аниқлаши;
3. Компьютерлашган лингафон воситалари билан ишлаш;
4. Эркин мавзуда иншо ёки баён ёзиш;
5. Ўрганилаётган тил ва нутқ материалига доир машқлар ва тестлар тузиш;
6. Газета, журнал мақолаларини ўқиш ва улардан таржимаи ҳол, резюме, аннотация ёзишда фойдаланиш;
7. Формуляр, анкета тузиш, таржимаи ҳол, резюме, аннотация ёзиш;
8. Дебат, муҳокама, келишувлар, учрашувлар, ўйинлар ўтказиш.
9. Мустақил тарзда очик дарслар, презентациялар тайёрлаш;
10. Сўз яшаш усуллари;
11. Луғат яратиш услублари;
12. Сўз маъносининг тузилиш услублари;
13. Турғун ва эркин бирикмаларни фарқлаш услублари;
14. Ўзлаштириш ва ассимиляция услублари

Мустақил ишларнинг натижалари мавзулар бўйича сўз ва сўз бирикмаларини ўзлаштириш, мазкур тил воситалари ёрдамида эркин сўзлашиш учун диалогик ва монологик матнлар тузиш шаклида расмийлаштириш мумкин.

### **Тавсия этиладиган мустақил таълим мавзулари**

1. Шахсни ривожлантиришда олий таълимнинг роли: олий таълим даражалари, квалификация, сертификат ва диплом.
2. Тили ўрганилаётган мамлакатларда талабалар ҳаёти.
3. Замонавий дунёда чет тилининг ўрни.
4. Тили ўрганилаётган мамлакатларнинг миллий урф-одатлари, анъаналари, байрамлари.
5. Соғлом турмуш тарзи: спорт ва фитнес, қишки ва ёзги спорт турлари.
6. Илмий-техник тараққиёт ва унинг инфорацион технологиялар соҳасидаги ютуқлари.
7. Ахборотлашган жамиятнинг ижобий ва салбий томонлари.
8. Тили ўрганилаётган мамлакатларда оиланинг жамиятдаги ўрни.
9. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш: халқаро экологик ҳаракатлар ва ташкилотлар.
10. Халқаро ташкилотлар (БМТ, ЮНЕСКО ва б.) ва уларнинг глобал муаммоларни ҳал этишдаги ўрни.
11. XXI аср инфорацион технологиялари ривожининг асосий йўналишлари.
12. Халқаро туризм: оммабоп сайёҳлик йўналишлари

### **Дастурнинг ахборот - услубий таъминоти**

Иккинчи чет тили фанини ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва



ахборот коммуникатив технологиялардан фойдаланилади. Машғулотларда аудио-видео воситалари ва компьютер технологиялари ёрдамида такдимотлар ўтказилади. Шунингдек, аклий хужум, гуруҳли фикрлаш, диалог, полилог, коммуникатив мулоқот каби интерфаол усулларидан фойдаланиш, кичик гуруҳ мусобақалари, интернет янгиликлари ва илғор педагогик технологияларни қўллаш назарда тутилади.

## **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати <sup>1</sup>** **Асосий адабиётлар**

### **Инглиз тили**

1. Malcolm Mann. Destination(full set) Macmillan Education, UK-2013.
2. Cambridge English Skills Real Listening and Speaking 2 with Answers and Audio CD: Level 1-2
3. John and Liz soars. “New headway” (All levels) Oxford university.

### **Немис тили**

1. Monika Bovermann Sylvieta Penning-Hiemstra. Schritte International. Hueber Verlag. Deutschland- 2012.
2. Sandra Evans, Angela Pude, Anna Breitsameter, Julia Braun-Podeschva Franz Specht u.a. Menschen. Deutsch als Fremdsprache A1-B1. Kurs-und Arbeitsbuch mit Audio DVD- Rom. 2012-2016. Hueber Verlag GmbH tr Co. KG, 85737 Ismaning, Deutschland
3. Саидов. С. Deutsche Grammatik in Übungen. – Тошкент, 2003.
4. Абдуллаева А.Б. D.R. Mirsodiqova und andere. Deutsch 2. –Тошкент, 2009.
5. Дадаходжаева М.А. ва бошқ. Deutsch. – Тошкент, 2004.

### **Француз тили**

1. Annie Berthet, Catherine Hugot, Veronique M. Kizirian, Beatrix Sampsonis, Monique Waendendries. Alter Ego-Methode de Français. HACHETTE Français Langue Etrangère. France - 2013
2. Cuy Capelle. Reflets. Methode de francais cahier d'exercice. Paris, 2004
3. Dominique Abry M.Y. Phonetique 350 exercices avec 6 cassetes. –Paris, 2003

### **Испан тили**

1. Álvarez Martínez. Sueña Nueva edición. Anaya ele. Espana -2012
2. Гонсалес - Фернандес А. Шидловская Н.М. Деметьев А.В. Самоучитель испанского языка. -М., Высшая школа, 2001.
3. М.Тошхонов, М.Абдуллаев, К. Абдуллаев, Г.Ботиров, учебник «España y los países hispanohablantes», изд. «Fan va texnologiya», Ташкент, 2006 г., С.355.
4. М.Тошхонов, Т.Умбарова, Ш.Холматова, К.Абдуллаев, М. Абдуллаев, Г.Ботиров, учебник «Manual de la lengua español», изд. УзГУМЯ, заказ №79, Ташкент, 2007 г., С.277.

### **Итальян тили**

1. Luciana Ziglio, Giovanna Rizzo. Espresso. Italy, 2008
2. Angelo Chiuchiu. In italiano. Edizioni Guerra-Perugia. Italy, Perugia 2005
3. Я.Ялепольская, В.Медведова. 60 тем по итальянскому языку. Москва, Айрис Пресс -2005
4. Добровольская Ю.А. Практический курс итальянского языка. М. 2001

### **Голланд тили**

1. Alice vanKalsbeek. Code Nederlands. Meulenhoff Educatief. Amsterdam – 2013
2. F. Montens. A.G. Sciarone Boom. Nederlands voan buitenlanders. Amsterdam. 1994.
3. Т.Н. Дреясова. Л.С. Шечкова Нидерландский язык. Москва. Высшая школа, 1993..
4. Cornelis Huisman. Nederlands Voor beginners. Amsterdam, 1993

### **Грек тили**

1. Κλεανθης Αρβανιτακης. Επικοινωνηστε Ελληνικα.2005
2. Γιωργος Μπαμπινιωτης, Ελληνικη γλωσσα 2007
3. Ειρηνη Αργυρουδη,Βασίλειος Ασημομυτης.Ελληνικος Πολιτισμος. Αθηνα
4. Βαλσαμακη. Τζεκακη Φανη. Τα νεα ελληνικα για ξενους. Θεσσαλονικη 2007

### **Араб тили**

1. Б.З.Холидов Араб тили дарслиги. Т., 2007
2. Al-Kitab Al-Asasi. Egypt. 2011
3. Al-Arabiyyah Ваъна Ҳадаёк. Saudi Arabia, Madinah. 2014
3. М.Хасанов, М.Абзалова, Араб тили грамматикаси. Т., 2004.
4. Н.Ибрахимов, М. Юсупов. Араб тили дарслари. Т., 2005 йил.

### **Форс тили**

1. Махамдалиев Х., Алимова Х., Агзамова. Форс тили. Т.: 2013
2. Абдусаматов М.Ш. Форс тили 1,2,3 нашрлари. Т.: 2007
3. Куранбеков А, Вохидов А, Зияева Т. Форс тили. Т.: 2005

### **Корейс тили**

1. Тен Ю.П., Хо Сен Хенг «Практический курс корейского языка». Учебное пособие. – Т.: Издательство Литературного фонда Союза писателей Узбекистана, 2006. -256 с.
2. **Fun-fun Korean.** Written by Korean Language & Culture Center/ Institute of Foreign Language Studies, Korea University 287 б.
3. Хангуго 1.(Корейс тили дарслиги 1), Сеултэ, 2000.-278б.
4. Yonsei Korean Reading. Yonsei University Press. 2012

### **Индонез тили**

1. Bahasa Indonesia. Book one. Yohanni Johns. Indonesia. 1997
2. English-Indonesian, Indonesia-english dictionary.

### **Малай тили**

1. Kamarudin Jeon. Ragam ayat. Ragam ayat / Kamarudin bin Jeon Publisher Dewan Bahasa dan Pustaka, Year 2010
2. Tatabahasa. Asraf. Dewan bahasa dan pustaka. Malayziya. 1995

### **Турк тили**

1. К.Содиқов, Х.Ҳамидов, З.Худайберганова, Л.Аминова. Турк тили. Т. 2003 йил
2. Q.Sodiqov, X.Hamidov, Z.Xudoyberganova, L.Aminova Turk tili T. 2005
3. H Hamidov Turk tilining grammatikasi T. 2006
4. Turkce Oreniyoruz – TOMER yayinlari. Ankara. 2009 (M Ozbay F. Tmizyurak Turkce Oreniyoruz. Gunes 1. Gunes 2 Gunes 3 Gunes 4 )
5. Hengirmen M. Turkce Dilbilgisi . Ankara 1997

### **Япон тили**

1. Minna no Nihongo I. Tokyo 2009
2. Minna no Nihongo II Tokyo 2011
3. Minnano Nihongo Kanji I Tokyo Yaponiya 2008
4. Minnano Nihongo Kanji II Tokyo Yaponiya 2009

### **Хитой тили**

1. Boya han yu chu. 1-3 Beijing. 2005
2. Fazhan han yu chuji xia. Beijing. 2008
3. Т.П.Зодоенко, Хуан ШУ-ин. Хитой тили дарслиги. М. 2003.
4. Хитойча-Ўзбекча-Русча дипломатик атамалар луғати. Т., 2003.

### **Хинд тили**

1. Rupert Snell. Complete Hindi. McGraw-Hill; 2 edition (May 9, 2011)
2. Димщыц З.М. И др. Учебник языка хинди. 1-3ч., М., 2000
3. Камтампрасад Гуру Хинди Виякран. Варанаси. 2001 (2039)

### **Қўшимча адабиётлар:**

#### **Инглиз тили**

1. Крылова Л.Р. Сборник упражнений по грамматике английского языка. – М., Книжный дом, 2003
2. К.Н.Качалова, Е.Е.Израилевич «Практическая грамматика английского языка» М.-2004.
3. Don Shiach. How to write essay. – Oxford. 2009.
4. Guskova T.I. English in Politics. 2001

#### **Немис тили**

1. Grammatik. EM. Deutschland. 2007
2. Delfin H.Aufderstrase, 2009 Ismaning, D-d

3. А.Б. Абдуллаева. Deutsch. – Тошкент, 2009.
4. Hartmut Aufderstraße, Jutta Muller, Thomas Storz. Lagune 1-2-3 Deutsch als Fremdsprache. Kursbuch. Arbeitsbuch. Hueber Verlag, 2006, 2007, 2008

#### **Француз тили**

1. Vaocabularire progressif du francais. Claire Leroy-Miguel; Anne Goliot l'ete.
2. Французский язык для всех. Самоучителью Папко М. Л., Белосельская Т.В. 2000 г.
3. Грамматика французского языка. Алиева С.К. 1996 г.
4. Иллюстрированный словарь французского и русского языка. Duden. 2004 г.
5. Практический курс французского языка. А.В. Коржавин. 2000 г.
6. Эртақлар: Cendrillon le francais. (Zolushka ertagi); La princesse au petit pois. (Дууымовочка); La petit chaperon rouge (Qizil shapkacha); Le loup et les sept Cheveaux (Yetti echki bolasi) av.Grimm

#### **Испан тили**

1. Espanol el vivo (2007) Г Нуждин
2. Краткая грамматика испанского языка (2006)
3. М.Абдуллаев учебник «Español en textos» изд. УзГУМЯ, Ташкент, 2012 г., С.266.
4. Попова Т.Т. En un español practico. –М, 2003

#### **Итальян тили**

1. Colloquial ITALIAN (dly nachinayushix). Silviya Lybery. 2005 г. Mad. Av. New York.
2. Modern Italian. Anna Proudfoot & Francesco Cardo. London & New York. 2005.
3. L'Italie Cultura. Maria Angela Cernigliaro. Rim, 2008.
4. Modern Italian Grammar. Workbook. Anna Proudfoot. New York. 2005.
5. Таблица спряжения итальянских глаголов. перевод на русский - С.С.Скоровида. Польша, 2010.
6. Итальянский это не страшно. (грамматика). О.В. Дяньков. Москва, 2008г.

#### **Голланд тили**

1. J. Van der keuken. Taalverk. Nederlands, 2006
1. Голландча-русча, русча-голландча луғат (барча нашрлари)

#### **Грек тили**

1. Α. Ιωαννιδου. Ελληνο –Ρωσικο Λεξικο. 2007
2. Άννα Ιορδανιδου. Τα ρηματα της νεας ελληνικης. 2009

#### **Араб тили**

1. Талабов Э.Т. Араб тили дарслиги. Тошкент, 1994.
2. Ковалёв А.А., Шарбатов Г.Ш. Учебник арабского языка. Москва, 2000.
3. Кузьмин С.А Учебник арабского языка. Москва, 2001.
4. К.Қодирова, У.Султонов. Арабча-ўзбекча Ас-султон луғати. Тошкент, 2011.

#### **Форс тили**

1. Рубинчик Ю.А. Грамматика современного персидского литературного языка. Москва 2001
2. Самаре Я. Омүзеш-э забон-э форси. 4 жилд. Техрон. 1990-1996
3. Овчинникова И.К., Иванов В.В. Учебник персидского языка. М. 2000

#### **Корейс тили**

1. Хангуго 2. (Корейс тили дарслиги 2-4), Сеул, 2000.-343б
2. Фил Ким «Синтактические элементы корейского языка». Учебное пособие. – Алматы: Издательство КазГУ, 2000. -274 с.
3. Хангуго. Корейс тили дарслиги. Бошлангич курс. -102б.
4. Хангуго 1-2-3-4 Корейс тили дарслиги: Ива еджатэ, 2001

#### **Индонез тили**

1. Lentera Bahasa Indonesia I, II, III jild, Indoneziya - 2011
2. Tata Bahasa acuan Indonesia oleh Djoko Kentjono, Frans Asisi Datang Jakarta, 2004
4. Tim perevisi, Dewaki Kramadibrata – Fakultas Ilmu Pngetahuan Budaya Universitas Indonesia, 2005

#### **Турк тили**

1. K.Cemil.Yeni Hitit TOMER yayinlari
2. Buyuk Turkce-Rusca. Sozluk Москва, “Русский язык” Multilingual Istanbul.

### **Япон тили**

1. Minnano Nihongo Grammatik izoh I Toshkent O'zbekiston. 2002
2. Minnano Nihongo Grammatik izoh II. Toshkent O'zbekiston 2002
3. J- Bridge Tokiyo Yaponiya 2002
4. Kanji Master Tokiyo Yaponiya 2000
5. Furigana – English Japanese dictionary. Tokiyo, New York, London 1996

### **Малай тили**

1. Lentera Bahasa Indonesia I,II,III jild, Indoneziya - 2011
2. Tata Bahasa acuan Indonesia oleh Djoko Kentjono, Frans Asisi Datang Jakarta, 2004
3. Tim perevisi, Dewaki Kramadibrata – Fakultas Ilmu Ptngetahuan Budaya Universitas Indonesia, 2005

### **Хитой тили**

1. Хан уи xin qi dian. 1-12 том. Beijing. 2003.
2. Ш.Ҳидоятова. А.Каримов, Э.Аминов. Хитой тили грамматикаси.Т., 2004.
3. Хитойча русча луғат. Шанхай 2004.

### **Интернет сайтлари**

1. [www.gramota.ru](http://www.gramota.ru)
2. [www.wikipedia.org.ru](http://www.wikipedia.org.ru)
3. [www.thyespa.gr](http://www.thyespa.gr)
3. [www.bruna.nl/boeken-nederlands](http://www.bruna.nl/boeken-nederlands)
4. [www.goodreads.com/shelf/nederlands](http://www.goodreads.com/shelf/nederlands)
5. [www.Nederlandsekust-Booking.com](http://www.Nederlandsekust-Booking.com)
6. [www.gollantraining.edu](http://www.gollantraining.edu)
7. [www.deutschlernen.de](http://www.deutschlernen.de)
8. [www.mein-deutsch.buch.de](http://www.mein-deutsch.buch.de)
9. [www.toefl.com](http://www.toefl.com)
10. [www.englishtraing.ru](http://www.englishtraing.ru)
11. [www.lingua.ru](http://www.lingua.ru)
12. [www.telc.net](http://www.telc.net)
13. [www.naver.com](http://www.naver.com)
14. [www.korean.go.kr](http://www.korean.go.kr)
15. [www.test-arabic.com](http://www.test-arabic.com)
16. [www.baidu.com](http://www.baidu.com)

<sup>1</sup> Адабиётлар рўйхатида ОТМ ахборот-ресурс марказлари имкониятлари, соҳага оид замонавий манбалар ва ҳар бир тил хусусиятлари инobatга олинган ҳолда қўшимчалар киритилиши мумкин. Киритилган қўшимчалар ишчи дастурларда келтирилади.